

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ



**“Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг назарий
ва манбавий асослари”**

мавзуидаги Республика II илмий-амалий конференция

м а т е р и а л л а р и

(22 октябрь, 2020 йил)

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
Тошкент
2020



Таҳрир ҳайъати:
**Ж.Эшонқулов, Н.Жабборов, Н.Раҳмонов, Д.Салоҳий,
Ю.Турсунов, О.Жўрабоев**

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:
Отабек Жўрабоев

Тўпловчи:
Дилноза Рустамова

Ушбу тўпламга ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида ўтказилган “**Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг назарий ва манбавий асослари**” мавзусидаги Республика II илмий-амалий конференцияси (22.10.2020 й.) материаллари жамланган. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси тўғрисида”ги 56-ф–сонли фармойишига асосан ташкил қилинган бўлиб, у профессор С.Р.Ҳасановнинг 75 йиллигига бағишланди.

Материаллар орасида соҳанинг таниқли олимлари билан бирга ёш тадқиқотчи (таянч докторант, мустақил изланувчи ва магистр)ларнинг ёзмалари ҳам ўрин олган. Улардаги фактларни бериш, услубий ёндашув ва таҳлилларни тақдим этиш савиясига муаллифларнинг ўзлари масъулдир. Шунингдек, адабий манбаларнинг номларини ёзиш ва ҳавола бериш борасида муаллифлар ўз мақолаларида амал қилган хусусиятлар ҳам сақлаб қолинди.

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи Илмий кенгашининг Қарорига кўра нашрга тавсия этилган (мажлис баёни №8/3, 26.10.2020 й.).

айлана бошладилар. Бир пасда кўпчиликни давра ўртасига чорлаб, рақсга илҳомлантириб, мажлисга кўтаринки руҳ бахш эттилар. Мен яна хаёлимда: “Русчасига айтганда – арабист, араб тили, адабиёти, исломий манбалар, форсий тилни мукамал биладилар. Албатта Куръон ҳам тиловат қилсалар керак. Албатта намоз ибодатини ҳам бажо айласалар керак. Шунчалик мўъминлик билан бирга, дунёвий инсон ҳам эканлар, мутаассиб эмас эканлар”, деб ўйладим. Ҳозир ҳам бу фикрим айна ҳақиқат деб ўйлайман.

Бағрикенг олим эдилар. Диссертацион тадқиқотларга оппонентлик қилсалар, тақризни диссертант руҳини, обрўйини кўтарадиган қилиб ёзиб берардилар. Аммо ишнинг камчилигини муаллифнинг ўзига кўрсатиб, нималарга таяниб мулоҳаза юритиш лозимлигини билдирдилар. Некбин инсон эдилар: “Бу ёшлар ҳали илм биноси эшигини чертибгина туришибти. Кўп хато қилишади. Сабр қилайлик-чи?”, дер эдилар.

1996-98 йилларда ЎзР ФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти докторанти эдим. Ҳаётимнинг олтин даврлари экан ўша даврлар. Академик Азизхон Қаюмов раҳбарликларидаги ажойиб илмий жамоанинг ҳар бир аъзоси авлиёсифат, донишманд, самимий, айна пайтда содда одамлар эди. Маъҳазда жуда катта илмий заҳира жамланган эди. Азиз Пўлатович вафотларидан кейин бу маърифат масканини Саидбек ака Ҳасанов бошқардилар. Сулаймонов, Қаюмов, Ҳасанов ... раҳбарлар ўзгариб турди, аммо бу беназир жамоадаги яқдиллик, илмий этика, самимийлик, инсоншунослик, шогирдпарварлик ўзгармади. Ҳамон бу маскан - зиё маскани!

Ана шу зиё масканининг донишманд йўлбошчиларидан бири - Устоз Саидбек Ҳасановнинг қолдирган илмий мерослари кўп йиллар фанимиз тараққиёти учун хизмат қилишига умид қиламиз. Илмни азиз тутган табаррук Устозни Яратган охираат диёрида Ўзи азиз тутсин!

ОЛИМЛИК РУТБАСИ

РАШИД ЗОҲИД,

*ТДЎТАУ, Адабий манбашунослик ва матншунослик кафедраси мудири,
филология фанлари доктори*

Оллоҳ раҳматига олсин, Саидбек ака билан 1989 йилда Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институтига ишга кириш учун институт директори Азиз Қаюмовнинг хузурига кирган пайтимда танишганман. Хонага кирганимда тўрдаги столда домла Азиз Қаюмов ва унинг ўнг томонида 40-45 ёшлар оралиғидаги катта жуссали бир киши ўтирган эди. Стол устида уч-тўртта эски қўлёзма китоблар очиқ тургани эътиборимни тортган. Чамамда, улар айна қўлёзмалар билан боғлиқ мавзуда гаплашаётган, мен суҳбатни бўлган эдим. Салом-

аликдан сўнг домланинг ижозатлари билан ўзимни таништирдим ва дархол мақсадга ўтиб, институтда ишлаш ниятим борлигини билдириб қўя қолдим. Домла бўш жойни кўрсатиб, менга “ўтиринг” ишорасини қилди ва ёнидаги шогирди билан таништирди. Ўшанда Саидбек Ҳасанов Алишер Навоийнинг “Сабаи сайёр” асарининг кўлёзма манбаларини қиёслаб, матншунослик йўналишидаги докторлик диссертациясини ёзаётган пайтлари экан.

Хуллас, қисқа танишувдан сўнг Азиз Қаюмов менинг кўлёзма китобларни ўқий олиш малакамни имтиҳондан ўтказиб, ишга оладиган бўлди. Саидбек ака билан изма-из директор хонасидан чиқдик. Чиқишимиз билан Саидбек ака мени четга тортиб: “Форсча, арабчани биласизми?” – сўради. “Йўқ, унчалик эмас”, – дедим. Шунда Саидбек ака: “Тўғриси айтиверинг, устозингиз ким?” – деди кулиб. Мен кўлёзма китобларни ўқишни отамдан ўрганганимни, отам араб ва форс тилларидан саводи бор, мумтоз адабиётни яхши тушунадиган инсонлардан эканини айтгандай бўлдим. Саидбек ака хурсанд ҳолда кўлимдан ушлаб: “Юринг, сизга иш жойингизни кўрсатаман”, деб мени “Кўлёмаларга дастлабки ишлов бериш ва каталоглаштириш бўлими”га етаклаб бордилар. Мен шу бўлимга лаборант сифатида ишга қабул қилинган эдим. Бўлим бошлиғи Фатхулла Ғанихўжаев раҳбарлиги остида иш бошладим. Кейинчалик Ботирбек Ҳасанов кўл остида “Арабча кўлёмаларни илмий тавсиф қилиш” бўлимида кичик илмий ходим вазифасида фаолият олиб бордим. 1991-94-йилларда институт аспирантурасида ўқидим.

Бу даргоҳда Азиз Қаюмов, Қозоқбой Маҳмудов, Муҳаммадjon Ҳакимов, Тўхтамурод Зуфаров каби устозлар билан, Мирсодиқ Исҳоқов, Ҳамидулла Дадабоев, Қосимjon Содиқов, Насимjon Раҳмонов, Шомирза Турдимов, Зоҳидjon Исломов каби мутахассис олимлар билан яқиндан танишдим, улардан кўп нарса ўргандим...

Ўтган устозларни эслаяпман, шу ўринда, уларга қиёсан илм кишисининг табиати, унинг даражаланиши ва турланиши билан боғлиқ айрим мулоҳазаларимни билдирсам. Устозларда ўз ихтисослигини чуқур билиш ва шу билимнинг тақозоси ўлароқ шахс сифатида йириклик бор эди. Шунинг учун ўзларига, одамларга, жамиятга муносабатида уларни расмиятчиликдан баландроқ мақомда турганига кўп гувоҳ бўлганман.

Расмиятчилик олимни майдалаштириб, илм мартабасидан узоқлаштиради. Аслида, расм-русумлар олимни эмас, олим расм-русумларни белгилаши керак. Устозларда шу хусусият бор эди. Улар муомалани қоғозлардан қоғозларга кўчиб юрвчи бугун бундоқ, эртага ундоқ қонун-қоидалар устига қурмаганди. Ҳар қандай ҳолатда инсон

омили улар учун турланувчи расм-русумлардан қимматроқ эди. Балки, шу сабаб улардан шогирдлари орқали давом қилаётган илмий анъана, илмий мактаблар мерос қолди.

Шундай мактаб яратган олимлардан бири академик Алибег Рустамий бўлса, Ботирбек ва Саидбек Ҳасановлар шу мактабнинг вакиллари дир. Филологик илмлар тизимида ўзига хос мураккабликларга эга манбашунослик ва матншуносликнинг захматларга тўла йўлини танлаган бу учта олим айна соҳадаги ҳақиқий устозларимдир, мажозий эмас. Чунки, номзодлик ишимнинг мавзусини Алибег Рустамий тавсия қилди, Ботирбек Ҳасанов ишимга илмий раҳбар бўлди. Сайидбек Ҳасанов эса бу йўлнинг бошида қўлимдан ушлаб, манзилга йўллаб қўйди ва умрининг охиригача матншунос сифатидаги илмий изланишларимни қўллаб-қувватлади, хайрихоҳ бўлди.

Навоийнинг шундай фарди бор:

*Такаллуф эрур танга фарсудалиқ,
Анинг тарки эрур жонга осудалиқ.*

Яъни: “Ясамалик, сохталик танга озор беради, инсонни қийнаб, машаққатларга солади. Ясамалик, сохталикни тарк этган инсоннинг эса жони ором олади, доимо хотиржам бўлади”.

Мен на Алибег акада, на Ботирбек акада, на Саидбек акада бирор марта ясама сўз ёки сохта бир қилиқни кўрмаганман. Ўзларида йўқ нарсани кўрсатиш уларга ёт, ютуғи ҳам, камчилиги ҳам бирдай кўриниб турган, бори қандай бўлса, шундай инсон эдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг сўзида, феълида, ўзларини тутишида беозор эркинлик, руҳиятида эса осудалик, хотиржамлик сезилиб турарди. Уларнинг тўғрисиқликлари – дилкаш, камгап ва жимликлари – кўнгилни очувчи эди, суҳбатдошга бирор малол етмасди.

Аслида, буларнинг барчаси Оллоҳнинг бандасига ато этган табиати. Бу табиат барчамизда мавжуд, фақат уни кимдир аслидагидек сақлай олган, кимдир уни ўткинчи, қийматсиз нарсаларга сотиб, “касоф”га учраган. Бир сўз билан айтганда, асл табиатини бузган, мартабани бой берган.

Олимлик рутбаси, илм мартабасини бутун сақлай олган бу устозларимизни Оллоҳ раҳматига олсин, шогирдларига устозларнинг йўлларини салоҳиятда давом эттириш насиб этсин...

МУНДАРИЖА

О.Жўрабоев. Адабий манбаларни ўрганишдаги ҳассослик	3
САИДБЕК ҲАСАНОВ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ	11
Д.Салоҳий. Адабиёт маъҳази – илм тараққиётига замин бўлган маскан	11
Р.Зоҳид. Олимлик рутбаси.	16
М.Сулаймонов. Саидбек Ҳасанов – ёшларнинг меҳрибон устози	19
АДАБИЙ МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА МАТН МАСАЛАЛАРИ	23
Н.Жабборов. Матн тарихини ўрганишнинг муқобала услуби	23
Ю.Турсунов. “Муҳокамату-л-луғатайн”нинг Ҳайдаробод нусхаси ва унинг баъзи матний хусусиятлари	29
Қ.Дехқонов. «Далоилу-л-хайрот» асарининг Давлат адабиёт музейи фондидаги нусхалари	32
Ҳ.Шокирова. Алишер Навоий “Хамса”сининг миниатюралари қўлёзмасининг хусусиятлари	35
Ш.Ҳасанова. «Гўтинома»нинг яна бир нусхаси ҳақида	38
О.Abdurahmonova. “Husn-u dil” dostoni tarkibidagi basmalaning qo’lyozma manbalar bilan qiyosiy tahlili	42
С.Азизхонова. “Мурод-ул-ошиқин” девонининг Қўқон нусхалари ҳақида	45
С.Аҳмад. Убайдулла Хўжаев публицистикаси	49
Т.Шаймардонов. Сиддикий-Ажзий асарлари: аслият ва табдилдаги матний тафовутлар	58
Р.Шарофутдинова. Хуршид архиви ва унинг девони хусусида	62
Г.Абдуллаева. Навоийшунос олимлар архиви ҳақида	69
Ж.Жовлиев. Мақсуд Шайхзода қўлёзмалари	72
АДАБИЙ МАТН ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ МАСАЛАЛАРИ	76
С.Болтабоев. “Мавоҳиби алийя” тафсирининг илк туркий таржимаси	76
С.Рустамий. Маҳмуд Замахшарийнинг “Навабиғу-л-калим” асарида тажнис санъати	86
Д.Юсупова. Алишер Навоий “Хамса”сини ўрганишда концептуал жадваллардан фойдаланишнинг аҳамияти	91
А.Эшонбобоев. Навоийшунослик тарихидан	99
Ҳ.Жўраев, М.Саидакбарова Алишер Навоий ижодида оилавий муҳит ва ижтимоий муносабат масалалари	104
Б.Ражабова. Бир рамзий образ талқинига доир	107
Ж.Маҳмудов. Ҳазиний урганчлик гўзаллар васфида ёхуд агар он турки урганчи	114
Д.Абдуллаева. Адабий-тарихий асарларда пайғамбар Сулаймон алайҳиссалом образи	118
Б.Умурзоқов. “Рашаҳот” асарида қўлланилган шеърий санъатлар ва адабий илмлар	122
А.Разоқов. Алишер Навоий ижодида нубувват тимсолининг ирфоний моҳияти	132
Д.Зоҳидова. Навоий лирикасида “сўз”нинг ирфоний талқини	137
Т.Рўзиев. Ёрсиз сен найлагунг олам аро?!	145
Д.Рустамова. XX аср навоийшунослигида ғазаллар талқини	150
С.Умарова. Алишер Навоий илмий биографиясини яратишда Суйима Ғаниева тадқиқотларнинг аҳамияти	155
М.Саидхонов. Алишер Навоий асарларида имо-ишоратлар ва уларнинг маъноси	161
М.Тожибоева. Убайдий шеъриятида арабизмларнинг поэтик вазифаси	164

Н.Махмудова. Шоҳ ва шоирнинг диний-фалсафий қарашлари	168
М.Ҳожиева. Ўзбек мумтоз адабиётида назира	171
Н.Алиқулова. Мажзуб Намангонийга издош шоирлар	174
М.Дадабоева. Ижодкор қисмати ва ижодий жараён	179
Н.Ваҳобова. «Тонг отқунча» ғазалининг талқини ва таърифи ҳақида	182
Р.Жўраева. Муқимий асарларида метафоранинг қўлланилишига доир	186
Ф.Бафоев. Ўзбек халқ мақолларининг ўрганилиши	190
О.Холмуродова. Кумулятив эртақларда услуб ўзига хослиги	193
Ф.Абдурахмонова. “Ёр-ёр” маросим кўшиқларидаги етакчи образлар	198
Н.Эшонқулов. Бадиий асарда мифопоэтик талқин	204
Ж.Мирзаев. Образ ва архетип	209
М.Ёдгорова. Қаҳрамон характери асослашда бадиий деталнинг роли	213
Қ.Юсупова. “Борлиқ ва йўқлик” романида бадиий тасвир маҳорати	218
МУМТОЗ АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИНИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎРГАНИШ	226
В.Аbdurahmonova, Z.Ziyoviddinova. О’қувчиларнинг savol-topshiriqlar bilan ishlash ko’nikmasini takomillashtirish usullari	226
М.Тўйчиева. Бадиий матн устида мустақил ишлашни ташкил этиш усуллари	233
И.Ишонхонова. Ўқувчилар “ғазал мулки”дан қанчалик баҳраманд бўлмоқда?	236
О.Qurbonova. “O’tkan kunlar” romanida milliy ruhiya va uning amaliy ahamiyati	239
I.Rustamova. Umumiy o’rta ta’lim maktablarida Muqimiy hayoti va ijodini o’rganish xususiyatlari	241
Х.Нишонова. Тил – восита, нутқ - жараён	245
ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛ	247
Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Аъзам Ўктамни хотирлаб	247

Илмий наир

“Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг назарий ва манбавий асослари”
мавзуйдаги Республика II илмий-амалий конференция
м а т е р и а л л а р и
